



## ИСЛОМ МОЛИЯСИ ВА УНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИ

**Вафоқулова Лолахон Бахрамовна**

Тошкент давлат юридик университети,  
мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7475861>

### ARTICLE INFO

Received: 13<sup>th</sup> December 2022

Accepted: 21<sup>th</sup> December 2022

Online: 22<sup>th</sup> December 2022

### KEY WORDS

*Ислом молияси, майсир, ғарар, муҳожаба, ижара, мудораба, мушокара, сукук.*

### ABSTRACT

*Мазкур мақолада ислом молияси, унинг тамойиллари ва механизмлари ҳақида ёритилган.*

Ислом молияси — (арабча: مصرفية إسلامية) бу шариат (ислом ҳуқуқи)га асосланган банк ёки молиявий фаолият бўлиб<sup>1</sup>, ислом қонунларига мувофиқ банк, кредит ва жамғарма амалиёти ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахслар томонидан капиталларни шариат нормаларига мувофиқ жалб қилишдир.

Ислом молия тизимининг анъанавий молиявий тизимидан фарқи шундаки, анъанавий молияда қўлланиладиган айрим услуб ва принциплар шариат нормаларида қатъий тақиқланади.

#### **Ислом молиясининг тамойиллари.**

Ислом молияси шариат қонунларига қатъий риоя қилади:

1. Фоизларни ҳисоблаш.

Ислом фоиз билан қарз беришни ва депозитга пул маблағи қўйишни қарз олувчи ҳисобидан қарз берувчига фойда

келтирадиган эксплуатация сифатида қарайди. Шариат қонунларига кўра, фоиз -судхўрлик (рибо) бўлиб, у қатъиян ман этилади.

2. Тақиқланган фаолият билан шуғулланадиган бизнесга сармоя киритиш.

Спиртли ичимликлар ёки чўчка гўшти ишлаб чиқариш ва сотиш каби баъзи фаолиятлар турлари шаърият нормалари томонидан тақиқланганлиги сабабли бу амаллар харом ҳисобланади. Шунинг учун бундай фаолиятга сармоя киритиш ҳам тақиқланади.

3. Қимор (майсир).

Майсир - арабчадан сўзма-сўз таржима қилинганда - "қимор" бўлиб, бу вазиятларнинг тасодифий комбинацияси натижасида даромад олиш ҳисобланади. Унга турли қимор ўйинлари, рулетка, лотерея чиптасида ғалаба қозониш орқали даромад олишни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шариат майсир деб аталадиган ҳар қандай фаолиятни қатъиян ман этади.

<sup>1</sup>

Wikipedia.[https://en.wikipedia.org/wiki/Islamic\\_banking\\_and\\_finance](https://en.wikipedia.org/wiki/Islamic_banking_and_finance)



Шундай қилиб, ислом молия институтлари товарларга эгалик қилиш келажакдаги ноаниқ ҳодисага боғлиқ бўлган шартномалар туза олмайди.

4. Ноаниқлик ва хавф (ғарар).

Ислоний молияси қоидалари ҳаддан ташқари хавф ёки ноаниқлик билан тузилган шартномаларда иштирок этишни тақиқлайди. Ғарар атамаси инвестициядаги хавф ёки ноаниқликнинг қонунийлигини ўлчайди.

Юқоридаги тақиқлардан ташқари, исломий молия яна қуйидаги муҳим тамойилга асосланади:

Фойда ва зарарларни тақсимлаш: исломий молиявий шартномаларини тузаётган томонлар битим билан боғлиқ фойда, зарар ва таваккалчиликни баҳам кўрадилар- ҳеч бир даромад кафолатланиши мумкин эмас, ҳар бир тадбиркор, инвестор ўз улушига мувофиқ таваккалчиликни ўз зиммасига олади, уни бошқа шахсга ўтказиши мумкин эмас.

Ислом дини, шунингдек, бир қатор ахлоқий ва маънавий чекловларни ҳам белгилайди - дин мусулмонларни жамоат саломатлигига зарар этказувчи, ахлоқсизлик ва зўравонлик билан шуғулланишни тақиқлайди. Шу сабабли, ислом молияси ахлоқсиз оммавий ахборот воситалари (босма нашрлар, "катталар учун" филмлар) ишлаб чиқаришга, қурол ва ўқ-дорилар ишлаб чиқаришга инвестиция киритишни лозим топмайди.

**Ислом молиявий механизмларининг турлари.**

Юқорида айтиб ўтилганидек, шариат фоиз шаклида даромад олишни тақиқлайди. Шариатнинг муҳим хусусияти тижорат кредитларини

беришда қарз берувчининг таваккалчиликнинг бир қисмини ўз зиммасига олиши шартдир. Акс ҳолда, қарз берувчи томонидан кредитнинг асосий суммасидан ортиқ бўлган ҳар қандай миқдор фоизли даромад сифатида ҳисобга олинади.

Ислом молияси анъанавий банк фаолиятида учрамайдиган бир қанча чекловлар ва тамойилларга асосланганлиги сабабли шаръий тамойилларга мос келадиган молиялаштириш механизмнинг махсус турлари шилаб чиқилган:

- Муробаҳа — активларни сотиб олиш учун тижорат кредитининг бир тури бўлиб, бу кредит учун фоиз олинмайди. Бунинг ўрнига, банк асосий активни сотиб олади ва кейин уни мижозга келишилган устамани ўз ичига олган нарҳда кечиктириш асосида қайта сотади. Активнинг қиймати олдиндан белгиланади ва агар мижоз товарни ўз вақтида қайтариб олмаса ҳам, унинг қийматини ошириб бўлмайди. Бундай вазиятда банк тадбиркорлик таваккалчилигига дучор бўлади, чунки агар мижоз товарни қайтариб сотиб олмаса, устама қўшимчасини оширишга йўл қўйилмайди ва банкка тегишли бўлган товарнинг қиймати камайиши мумкин.

- Ижара — бу лизинг шартномаси бўлиб, унга кўра банк активни сотиб олади, сўнгра уни мижозга маълум муддатга маълум ҳақ эвазига ижарага беради.

Шу билан бирга, актив лизинг берувчи банкнинг мулкида қолади, у ижара даромади ёрдамида сотиб олинган асбоб-ускуналарнинг капитал харажатларини қоплаши ва фойда келтириши керак.



Мудораба — бу фойда ва зарарни тақсимлаш бўйича шериклик шартномаси бўлиб, унда бир шерик (молиячи ёки раб ул мол) пул маблағини бошқариш ва инвестиция қилиш учун бошқа шерик (иш бажарувчи ёки мудариб) га капитал қилиб беради. Фойда эса, олдиндан белгиланган нисбатга мувофиқ тақсимланади.

Мушорака — икки тараф ўртасида қўшма корхона ташкил этиш о'ртасидаги ёки инвестициявий ҳамкорлик бўлиб, бунда икки тараф ҳам маблағ киритади. Тарафлар лойиҳаларни молиялаштириш учун капитал берадилар ва фойданинг келишилган қисмини оладилар.

Сукук — шариат томонидан фоиз эвазига қарз бериш тақиқланганлиги сабабли, ислом молиясида одатий облигациялар мавжуд эмас. Бироқ, сукук ёки "шариатга мувофиқ облигациялар" деб номланган облигацияларнинг эквиваленти мавжуд. Облигациялар қарз мажбуриятини эмас, балки активга қисман эгаллик қилишни англатади. Сукук қимматли қоғозлари лойиҳа ёки ижарада иштирокни ўзида ифодалайди ва номланишининг ўзида лойиҳанинг моҳияти кўрсатилган бўлади (сукук ал-музораба, сукук алмушорака, сукук ал-ижара ва ҳ.к.)<sup>2</sup>.

Ислом молияси кўп асрлик амалиёт бўлиб, бутун дунёда тан олинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга 29.12.2020 йилда қилган мурожаатида "Ўзбекистонда ислом молиявий хизматларини жорий этиш

бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти-соати келди. Бунга Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади<sup>3</sup>", — деган эди. Ўйлаймизки, келгусида ислом молиясининг Ўзбекистонда қўлланилиши кредит ва қарз муносабатлари фаолиятида рақобатнинг ривожланишига ҳамда чиройли молиявий таклифларнинг вужудга келишига олиб келади.

<sup>2</sup> Исломий молия асослари.Е.А.Байдаулет. – Тошкент: "O'zbekiston" НМИУ, 2019. – 67-б.

3

[https://www.norma.uz/bizning\\_sharhlar/2020\\_yilgi\\_m\\_urojaatnoma\\_prezidentning\\_maruzasidan\\_asosiy\\_tezislar](https://www.norma.uz/bizning_sharhlar/2020_yilgi_m_urojaatnoma_prezidentning_maruzasidan_asosiy_tezislar)



## References:

1. Исломий молия асослари.Е.А.Байдаулет. – Тошкент: “O‘zbekiston” НМИУ, 2019. – 67-б.
2. [https://www.norma.uz/bizning\\_sharhlar/2020\\_yilgi\\_murojaatnoma\\_prezidentning\\_maruz\\_asidan\\_asosiy\\_tezislar](https://www.norma.uz/bizning_sharhlar/2020_yilgi_murojaatnoma_prezidentning_maruz_asidan_asosiy_tezislar).
3. Wikipedia.[https://en.wikipedia.org/wiki/Islamic\\_banking\\_and\\_finance](https://en.wikipedia.org/wiki/Islamic_banking_and_finance).